Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 13 август, шанба № 128 (21.732). Сотувда эркин нархда

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 август куни Малайзиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ризвон бин Муҳаммад Кушаирийни қабул қилди.

Элчи республикамиз раҳбарига ишонч ёрлиғини топширар экан, Малайзия ҳукумати ва халқи Ўзбекистоннинг бой тарихи ҳамда маданиятини, меҳнатсевар халқини юксак қадрлашини айтди. Мамлакатининг ишончли вакили сифатида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини янада кенгайтириш йўлида фаолият бошланётганидан мамнуният изҳор қилди.

Ислом Каримов Малайзия республикамиз мустақиллигини дастлабки кунларданоқ эътироф этганини таъкидлади. Мазкур мамлакатнинг сўнгги ўн йил ичида эришган ютуқлари эътибор ва таҳсинга сазовор эканини қайд этди.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Индонезиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ҳасан Абдужалилни қабул қилди.

Элчи республикамиз Президентига ишонч ёрлиғини топширар экан, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар фаол ривожланаётганидан мамнуният изҳор этди. Ўзбекистон пойтахтида очилган Индонезия элчихонаси ўзаро алоқалар равнақига хизмат қилади, деб умид билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари жаноб Ҳасан Абдужалилни бу шарафли ва масъулиятли лавозим билан қутлади. Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги дўстона муносабатлар ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликка асосланишини таъкидлади.

Қабул маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов қатнашди.

(ЎзА).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. М. МИРҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сурат Мирҳожиевич Мирқосимов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. М. МИРҚОСИМОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТИК ДАРАЖАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Сурат Мирҳожиевич Мирқосимовга Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик даражаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Н. Е. ҒОЙИБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Наим Евқочевич Ғойибов Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Н. Е. ҒОЙИБОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТИК ДАРАЖАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Наим Евқочевич Ғойибовга Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик даражаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри

• *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА*

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

11 август куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошқарди.

— Бу муборак байрамга саноқли кунлар қолди. Уни ҳар жиҳатдан юксак савияда нишонлашимиз зарур, — деди Президент Ислом Каримов. — Шунинг учун байрамга тайёргарликни уюшқоқлик билан кенг кўламда олиб бориш лозим.

Хўш, мустақилликнинг маъноси нима? Нима учун биз бу кунни ҳар йили байрам қиламиз? Чунки, шу мустақиллик туфайли биз ўз тақдиримизни том маънода ўз қўлимизга олдик, озодликка эришдик, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топяпмиз, миллий ғуруримизни англяпмиз. Ана шу мустақиллик туфайли заҳматкаш халқимиз, таъбир жоиз бўлса, тоза ҳаводан эркин нафас олмоқда.

Қолаверса, ўзбек халқи жаҳон халқлари орасида муносиб ўрин олмоғи даркор. У ҳам фаровон ҳаёт кечиришга ҳақли, Зеро, тарихий меросимиз, асрий қадриятларимиз, илмий салоҳиятимиз, табиий бойликларимиз шундай дейишга асос беради.

Байрам тантаналарида ана шу руҳ, ана шу миллий ғурур акс этмоғи, ҳар бир фуқаро қалбидан ўрин олмоғига алоҳида аҳамият бермоқ даркор, деб таъкидлади Ислом Каримов. Мустақиллик куни байрамини ўтказишдан мақсад аслида шундан иборат.

Ҳар бир одам байрамда иштирок этар экан, унинг юраги шундай буюк юртнинг фарзандиман, дея жизилламоғи, ёнмоғи даркор. Мен Ўзбекистон деган мамлакатнинг ватанпарвариман, шу азиз ва мўътабар Ватан учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман, деган туйғу унинг бутун вужудини қамраб олиши керак. Токи бизга унча ҳайриҳоҳ бўлмаганлар ҳам байрамни кўриб, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканини ҳис этсин.

Шу маънода байрам тантаналари қанчалик чиройли ва мазмунли, халқимизнинг дидига мос равишда ўтказилиши, унда жумҳуриятимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кўзгудагидек акс этиши, қисқаси, бу байрам мазмундорлиги билан халқимизнинг ёдида бир умрга сақланиб қолиши керак, деди Президент.

Байрам кунлари айниқса мамлакатимиз пойтахти — Тошкент ҳар қачонгидан ҳам файзли ва гўзал, унинг кўчалари ва хиёбонлари ўзгача латофатга бурканади.

Шу кунларда бу ерда байрамга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахт кўчалари ва хиёбонлари, дам олиш масканлари тартибга келтирилмоқда. Мамлакатимиз Президенти шаҳар марказидаги Амир Темур хиёбонида амалга оширилган ва оширилаётган ободончилик ва таъмирлаш ишларига юқори баҳо берди. У Тошкентни янада кўркамлаштиришни, унинг чиройига-чирой қўшиш, жумладан, Эски шаҳар қисмига алоҳида эътибор берилиши лозимлигини таъкидлади.

Мажлисда Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонида ўтказиладиган байрам дастури муҳокама қилинди. Бош режиссёр Р. Ҳамидовнинг бу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Адиблар Шукрулло, Одил Ёқубов, Жамол Камол, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов байрам дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Мамлакатимизда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётгани, тинч-тотув яшаётгани алоҳида таъкидланди. Президент таклифи билан байрам дастурига «Халқлар дўстлиги», «Ўзбекистоннинг жаҳон маданиятига қўшаётган ҳиссаси» мавзуларида лавҳалар киритилди.

Мажлисда Тошкент шаҳрида байрам муносабати билан амалга оширилаётган ободонлаштириш ва қурилиш ишларининг бориши тўғрисида шаҳар ҳокими К. Тўлаганов гапириб берди. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг байрамга тайёргарлик қандай бораётгани хусусидаги ахбороти тингланди.

Мажлисда Ўзбекистон Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, М. Қорабоев, М. Усмонов қатнашди.

Т. БОТИРБЕКОВ.
(ЎзА).

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида 11 август куни Австралия либерал партияси Виктория штати котиби Ж. Коннард бошлиқ мазкур штат парламентининг делегацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов меҳмонларга республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг бориши, Халқ демократик партиясининг ташкилий тузилмалари, парламент фаолияти, Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилиш борасидаги олиб бораётган ишлари ҳамда республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловларга тайёргарлик тўғрисида гапириб берди.

Меҳмонлар самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон билан дўстона алоқалар ўрнатилишидан манфаатдор эканликларини таъкидлаб ўтдилар. Ж. Коннард ўз партиясининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Жалолов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик, Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси раиси Ў. Турғунов қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.

АВСТРАЛИЯЛИК МЕҲМОНЛАР БУХОРОДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жеффери Коннард раҳбарлигидаги Австралиянинг Виктория штати парламент делегацияси вакиллари 11—12 август кунлари Бухорода бўлишди.

Хорижлик меҳмонлар Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги билан танишдилар. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ноиби Муҳаммад Аҳмедов уларга олти гектар майдонни эгаллаган, йилига 120—130 тонна лимон етиштириладиган иссиқхонани кўрсатди. Хўжаликда консерва заводи, тикув цехлари фаолият кўрсатаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Австралиялик меҳмонлар Бухоронинг тарихий меъморчилик ёдгорликлари — Минораи Калон, Арк, Мир Араб мадрасаси, Сомонийлар мақбараси, Ситораи Моҳи Ҳоса, Лабиҳовузни зиёрат этишди.

(ЎзА).

ЯНГИ ЖАМҒАРМА ТАЪСИС ЭТИЛДИ

12 август куни Тошкентда Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармасининг таъсис кенгаши бўлиб ўтди. Ушбу жамғарма давлат тасарруфида бўлмаган тинчликпарвар, маърифий ҳайрия жамоат ташкилоти бўлиб, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элатларнинг ўзаро дўстлиги, тотувлиги, ҳамжиҳатлиги йўлида фаолият олиб боради.

Кенгашда жамғарманинг ташкилий жиҳатлари ва унинг дастури хусусида фикрлашиб олинди, ҳайъат аъзолари сайланди, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева жамғарма раиси этиб сайланди.

(ЎзА).

• *«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

«ЙЎЛОВЧИ ҲАСРАТИДАН ЧАНГ ЧИҚАДИ»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1994 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ.

Газетамизнинг шу йил 16 июлда босилган юқоридаги сарлавҳали рейд мақолада Тошкент шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги камчилик ва нуқсонлар, тартибсизликлар танқид қилинган эди. Ушбу танқид юзасидан ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ДАВЛАТ УЮШМАСИ («ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС») ва унга тегишли 2-АВТОКОМБИНАТдан расмий жавоблар келди.

— Мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг тегишли бирлашма ва корхоналарида, уларнинг раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди, — деб ёзади бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Ж. Тошхўжаев.

Мақола муаллифлари йўловчи ташиш транспортидаги камчиликларни рўй-рост кўрсатиш билан бирга, унинг ишига халақит бераётган айрим муаммолар устида ҳам тўхталиб ўтганликлари йиғилишларда мамнуният билан тилга олинди.

Мақолада 16, 12-трамвай ва «Пахтакор» бекатидан қатнайдиган йўналишлар ишидаги камчиликлар кўрсатилган. Бу нуқсонлар бошқа йўналишлар учун ҳам хос. Бунга ҳозирги иқтисодий танглик, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи танқислиги билан бирга Россия, Болтиқбўйи, Венгрия мамлакатлари билан бир неча йилги иқтисодий алоқаларнинг узилиши, зарур эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, бирлашма автобус корхонларига 3-4 йил мобайнида янги автобусларнинг келмаслиги сабаб бўляпти.

Шу билан бирга ҳайдовчи ва чипта сотувчилик касбини эгаллашни хоҳловчилар сонининг камайиб кетиши, ҳайдовчилар етишмаслиги муаммосини вужудга келтирган. Буларнинг ҳаммаси шаҳар жамоат транспортини бир маромда ишлашига халал бериб, йўловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Лекин уюшма ва бирлашмалар томонидан аҳволни тубдан яхшилаш борасида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Барча корхоналар малакали ҳайдовчилар билан таъминланмоқда. Хорижий давлатлар билан алоқалар тикланмоқда. Венгриядан дастлабки эҳтиёт қисмлари кела бошлади. Чехословакиядан янги троллейбуслар олинди. Улар шаҳар аҳолисига хизмат қила бошлади. Германиядан 250 та «Мерсидес-бенц» автобуслари келиши кутилмоқда. Йўналишли такси ишини яхшилаш мақсадида 30 та «РАФ» рамзли автобуслар олинди. Буларнинг ҳаммаси шаҳар транспортидаги аҳволни анча яхшилашга ёрдам беради.

Мақолада кўтарилган ҳайдовчиларнинг йўловчиларга чипта бермаслиги муаммоси бўйича Давлат солиқ назорати ва Молия вазирлиги ходимлари билан биргаликда йўловчилар сони, улардан тушаётган даромаднинг миқдорини аниқлаб, меъёрлаш ишлари ўтказилди. Ушбу тадбирлар натижасида ҳайдовчилар томонидан топширилаётган тушум пуллари ва назоратчилар текшируви натижасида топширган пули орасида тафовутнинг озлиги, айрим ҳолларда йиғилган пулнинг, ҳайдовчилар йиғаётган, уларга ўрнатилган рейсларнинг ишлаш вақтлари ва ҳаракатлар тартиби ва ҳ. к. ларнинг ҳаммаси аниқланди.

Шаҳар шоҳбекатларида йўловчилар ва ҳайдовчилар учун қулайлик яратиш мақсадида бир қанча автобекатларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, «Қўйлиқ» шоҳбекати ишга туширилди. «Грузовая», «Беруний метроси» шоҳбекати қуриляпти. «Пахтакор» ва яна бир қанча шоҳбекатларда ҳайдовчилар учун маиший шарт-шароитлар яратилаётир.

Мақолада қайд этилган масалалардан яна бири, метрокинг бир кунлик ташиган йўловчилари сони ва топширадиган пулининг автобус, трамвай ва троллейбусларникидан кўплигидир. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон республикасида 18 дан ортиқ тоифадаги кишилар шаҳар жамоат транспортидан бепул юриш ҳуқуқига эгалар. Бундан ташқари ҳар ойнинг бошида 10 дан ортиқ турли ойлик чипталари сотилади ва Давлат статистика марказининг йўриқномасига асосан ташилган йўловчилар ҳисобига қўшилади. Тошкент метросида эса ойлик чипталар сотилмайди. Шу сабабли метрополитен билан автобус, троллейбус ва трамвайдан тушган пул орасида тафовут мавжуд.

Мақолада ҳақли равишда транспортда текин юриш ҳуқуқига эга бўлмаган кишиларнинг жамоат транспортида текин юриши, транспорт корхоналарининг оғир иқтисодий аҳволининг янада ёмонлашишига сабаб бўлаётгани айтилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги кунда 18 дан ортиқ тоифадаги кишилар шаҳар транспортида текин юриш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳайдовчи ёки чипта сотувчи уларнинг ҳар бирини текшириб ҳам, эслаб ҳам қололмайди.

Шу сабабли уюшмамиз ҳайдовчи ва чипта сотувчиларнинг ишини енгиллаштириш мақсадида Молия вазирлигига барча тоифадаги кишиларнинг текин юриш ҳуқуқини бекор қилиб, уларнинг маошларига, нафақалари ва стипендияларига ойлик чипта қийматини қўшиб бериш таклифи билан чиқдик. Аммо бу таклиф қоғозда қолиб кетмоқда.

Шунингдек, **2-АВТОКОМБИНАТ РАҲБАРИ С. АЪЗАМОВ** йўллаган жавобда жумладан шундай дейилади:

— Мақола корхонамиз жамоаси ўртасида кенг муҳокама этилди.

1994 йил 11 июлда 20- ва 22-йўналиш бўйича учтадан маршрут таксилари ишга чиққан. Улар тушликкача тўлиқ ишлаган. Тушдан сўнг 2 тадан маршрут таксилари техник носозлиги туфайли автокомбинатга қайтганлар. Натижада тушдан сўнг белгиланган йўналишда биттадан маршрут таксилари ишлаган.

Автомашиналарнинг техник носозлиги туфайли белгиланган йўналишдан барвақт чиқиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида техник кўрик ишлари сифати яхшиланди. Ишга чиқиш ва қайтишда автомашиналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш кучайтирилди. Фойдаланиш бўлими томонидан ҳайдовчиларнинг йўналишидаги ишлари қаттиқ назорат остига олинди. Қоидани бузувчиларга кучайтирилган интизомий ва моддий жазо чоралари кўриладиган бўлди.

АЙЁМОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Шаҳрисабзда мамлакатимиз мустақиллиги кунининг уч йиллиги шарафига тадбир бўлиб ўтди. Унга Шаҳрисабз шаҳри ва туман ҳокимликлари ва ХДП туман кенгашининг масъул ходимлари, бошланғич ташкилотларининг котиблари, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, фаоллар йиғилишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби, республика Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов «Мустақиллик: ислоҳотлар ва янгиланиш» мавзусида маъруза қилди.

Бундай учрашув, шунингдек, Яккабоғ дон комбинати ишчи ва хизматчилари ҳузурида ҳам ўтказилди.

Ушбу тадбирларда ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов қатнашди.

Э. ХУЖАЕВ.

* * *

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг йўлланмаси билан бир гуруҳ таниқли олимлар ва партия ходимлари Сирдарё вилоятида бўлдилар. Улар орасида ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Э. Ҳакимов, фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ. Алиқулов ва бошқалар бор.

Олимлар ва партия ходимлари вилоятнинг Сирдарё, Сайхунобод туманларидаги жамоа ва ширкат хўжаликлари меҳнаткашлари, хусусий ва ҳиссадорлик жамиятлари корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, қурувчилар, саноатчилар, зиёлилар ҳамда фаоллар билан учрашувлар ўтказдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИ 1 СЕНТЯБРЬ — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИНИ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН КУТИБ ОЛИШЯПТИ

ТОБЛАНИШ ЙЎЛИ

СИРДАРЁ ТУМАНИДАГИ «СИНДОРОБОД» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ПАХТАЧИЛИК БРИГАДАСИНИНГ БОШЛИҒИ, ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ АЪЗОСИ МУЗАФФАР СИНДОРОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Музаффар Қаҳҳорович, дастлаб газетхонларимизга ўзингизни таништирсангиз.

— Марҳамат. Ёшим 36 да. Умр йўлдошим Мамлакатхон Жаҳонгирова билан бир қиз, уч ўғилни тарбиялаётирмиз. У киши олий маълумотли педагог. Мен ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича олий маълумотни олиб қишлоғимизга қайтиб келишим билан бригадирликни таклиф этишди. Йўқ, демадим. 12 йилдирки, шу ишда ишлаб келмоқдаман.

— Айнан шу соҳани танлашингизга кимлар сабабчи бўлган?

— Аввало отам, кейин — устозим. Отамиз деҳқон одам. У киши ҳозир нафақахўр. Биз оилада олти ўғил бўлсак, шундан беш нафари ота касби, яъни деҳқончиликни танлаганмиз.

Бригадирликда муқим ишлаб, деҳқончиликка чуқур меҳр қўйиб қолишимга сабабчи бўлган иккинчи одам устозим Мирсодиқ Мавлонов бўладилар. Вафот этганларига тўрт йил бўлди. Лекин берган ўгитлари бир умр ёдимда қолади. У кишидан мен энг аввало инсонийликни, деҳқончилик сирларини, қийинчиликларга бардош бериш, дала кишиларини севишни ўргандим.

— Сизни Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси сифатида яхши биламиз. Сиёсий, ижтимоий фаолият соҳаларига қандай кириб келгансиз?

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этила бошлаган дастлабки пайтларданоқ ҳеч иккиланмай аъзо бўлдим ва унинг барча тадбирларида фаол қатнашдим. Чунки, бу партиянинг келажагига астойдил ишонар эдим. Дастлаб Таъсис қурултойида Марказий Кенгашга аъзо, биринчи пленумда эса Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси қилиб сайландим. Бу — қишлоқдан чиққан оддий деҳқон боласига бўлган катта ишонч эди. Уч йилдирки, ана шу ишончни оқлаш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилаётирман.

— Истиқлолимизнинг уч йиллиги арафасида Марказий Кенгаш аъзоси сифатида яна нималар дея оласиз?

— Уч йил, табиийки, тарих учун бениҳоя қисқа давр. Лекин шу киприк қоққудек муддатда амалга оширилган ишларнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Истиқлол йўлидаги оғир ва мураккаб, айни пайтда ўта шарафли ишларимизга юртбошимиз раҳбарлик қилмоқда. Истиқлол берган саодат туфайли ҳаммамиз янгиланиш, ўзлигимизни англаш, улғайиш йилларини бошдан кечиряпмиз.

Худди шунингдек, бизнинг Халқ демократик партиямиз, унинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир ташкилоти ва албатта, Марказий Кенгаш ҳам кураш ва тобланиш йўлини босиб ўтаётир. Ўтган даврга қисқача назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилган ишлар яққол кўзга ташланади. Марказий Кенгаш, жойлардаги партия ташкилотлари Президентимизнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда. Кейинги йилларда Марказий Кенгаш пленумларида, Сиёсий ижроия қўмита мажлисларида кўрилаётган масалалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Айниқса, Президентимиз фармонларининг бажарилиши учун ўтказаётган тадбирларимиз, аҳолини ижтимоий ҳимоя-лаш, ўтиш даври барча қийинчиликларини оқилона бартараф этиб, осойишталикни сақлаб қолиш, шаҳар ва қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ёшлар тарбияси, юртбошимизнинг кўплаб рисола ва нутқлари мазмунмоҳиятини халққа етказиш, тарғиб қилиш, Миллий истиқлол мафкурасини яратиш, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини ташкил этишга оид қатор долзарб масалаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар партиямиз жанговар штабининг изчил фаолиятидан далолат беради.

Қилинган ишлар оз эмас, албатта. Лекин биз ҳозир кўпроқ зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида ўйлаётирмиз. Шу ўринда мен яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Марказий Кенгашда оддийлик, камтарлик, айни пайтда ишчанлик ва бир-бирига нисбатан ўта талабчанлик муҳити ҳукмрон. Одамларнинг партиямизга, унинг Раиси ва жойлардаги ташкилотларига нисбатан ишонч-эътибори ортиб бораётган экан, бу биз учун қувонарлидир.

— Сизни адабиётга қизиқади, кўп мутолаа қилади, дейишади. Бунга қандай вақт топасиз?

— Баъзи тенгқурлар, ҳамкасблар, мутахассислар билан гаплашгайда, ўқишга вақтим йўқ, деган гапни кўп эшитишга тўғри келади. Вақтим йўқ, дейиш аслида менингча, кишининг ўта бандлигини эмас, балки фикр доирасининг қотиб қолганлигини кўрсатади. Шахсан мен ҳам жуда банд одамман. Бригадамизда партия гуруҳи бор, унга тўрт киши аъзомиз. Хўжалигимиз, туманимиз, вилоятимиз партия ташкилотларидаги деярли барча тадбирларга таклиф этишади ва уларда, албатта, иштирок этишга ҳаракат қиламан. Булардан ташқари, деҳқон сифатидаги ўзимнинг асосий бурчим бор. Бригадамизда 12 киши ишлайди. Обҳаво қийин келган бир-икки йилни ҳисобга олмаганда, ҳосилдорликни 38—42 центнердан камайтирмаганмиз. Буларнинг бари ўз-ўзидан бўлавермайди, албатта.

Хуллас, деҳқон ҳаётини ҳамма билади. У тонг саҳардан то қоронғи тушгунча тиним билмайди. Акс ҳолда қозонимиз қайнамайди. Лекин иш фаолияти, хизмат вазифаси ҳеч бир инсоннинг маърифатга, маънавиятга, илмга бўлган қизиқишини чеклаб қўёлмайди. Мен ҳар доим эрта туриб, тонг ёришгунча бир соат-ярим соат ўзим севган ёзувчиларнинг асарларини ўқийман. Бунга ёшликдан одатланганман. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Маркес, Моравиа, Александр Дюма сингари адибларнинг асарларини муттасил мутолаа қиламан. Юртимизда чиқадиган газета ва журналларни мунтазам ўқиб, кузатиб бораман.

Умуман, бригадамизда ҳам ана шундай ижодий муҳит, кўтаринки кайфият ҳукмрон. Партия гуруҳимиз ташкилотчиси Суннатилла Умаров, партия аъзоларимиз Дилшод Мусаев, Қаҳҳор Алимов, ишчиларимиздан Гулчеҳра Юсупова, Лола Ўзбекова, Раъно Мирюсупова, Наргиза Умарова ва бошқалар яхши меҳнат қилиш билан бирга сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиликларга қизиқиб борадилар, кўп ўқийдилар. Вақтивақти билан жамоа бўлиб Самарқанд, Шоҳимардон, Тошкент сингари тарихий шаҳарлар ва қизиқарли жойларга саёҳат уюштирамиз, кўнгилли дам оламиз.

Аёнки, юртимиз истиқлолини асосан ёшлар яратади. Улар ўқиш-ўрганишдан йироқ бўлсалар, бу кечириб бўлмас хато. Ўз эртаси, юртини ўйлаган ҳар бир киши бу йўлда вақтини, бойлигини аямаслиги керак, деб ўйлайман.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАТАН ҚИЁФАСИ

Бир донишманднинг «Инсон қалбида ўз Ватанининг қиёфаси кўриниб туради», деган гапи мени кўп ўйлантиради. Дарҳақиқат, қалби юрт меҳридан, юрт қиёфасидан бегона одамнинг одамийлиги ҳақида гапиришга ҳожат йўқ.

Мендек оддий қишлоқ кишисини бу тарзда фикрлашга ўргатган нарса мустақиллик деган муборак сўз бўлди. Айниқса, зиммамга ХДП бошланғич ташкилоти котиблиги вазифасининг юклатилгани давр оқимига сергакроқ разм солишга ундади. Гапни мухтасар қилиб айтадиган бўлсам, ташкилотимизнинг хўжалик ҳаётида ўз ўрни, мавқеи борлигидан қониқаман.

Икки юз нафардан зиёд партия аъзоларимиз бор. Биз мустақил давлатимиз ривожланишининг Президент томонидан белгиланган беш тамойилини одамларга кўпроқ тушунтиряпмиз. Ҳалол меҳнат, ҳалол муносабат ҳамма эзгуликларнинг асоси эканлигига одамларни кўпроқ ишонтирмоқчи бўляпмиз. Тўғриси, ишонтирмоққа бўлган тарғиботимизнинг тўғрилигига улар ўзларининг тажрибасидан келиб чиқиб кўпроқ ишонмоқдалар.

Нархни меҳнат, пешона тери арзонлаштиради, деган гапни бугун кўплар яхши тушуниб қолишди. Кейинги уч-тўрт йилда хўжалигимизда дон етиштириш ўн бараварга кўпайди. Бу йил гектаридан 30 центнердан ғалла етиштирдик. Ватан омборига 2020 тонна буғдой сотдик. Нафақат ғалла, бошқа экинларимиздан ҳам олаётган ҳосилимиз даромадимиз ёмон бўлмаяпти.

Энди қаранг: ўша шўро замонида болаларимиз мактабда тўла икки, ҳатто уч сменада ўқир эди. Мустақиллигимизнинг пойи қадамидан омадимиз юришгандай бўлди. Эски биноларнинг ашёларидан фойдаланиб, ортиқчасини камига улаб тўртта киройи мактаб қурдик. Бу билан икки, уч сменали ўқув деган гап барҳам топди.

Хонадонларимизнинг деярли ҳаммасида табиий газ ёнмоқда. Қишлоқларимизга Хўжаипок булоқларининг шифобахш суви келтирилди.

23 та фермер-деҳқон хўжалигимизнинг ўн иккитасига ХДП аъзолари раҳбар. Амирқулов Хўжамберди, деган фермеримиз яқинда бир тонна гўштни дўконларга чиқариб сотди. Ярим йилда 50 тоннадан зиёд гўшт тайёрлади. Валиев Камол, Холиёров Мамараҳим деган фермерларимиз ҳар қайси, тўғриси, бир чоғроқ хўжаликнинг маҳсулотини етиштиришни чўтлаб турибдилар.

Фермер-деҳқон хўжаликларига биз 400 гектардан зиёд суғориладиган ерни ажратганмиз. Ердан унумли фойдаланинглар, деб уларга ақл ўргатиш — ортиқча иш. Бироқ, уларнинг (бошқаларнинг ҳам) қалбида жонажон Ватан қиёфасини шакллантириш, Ватан манфаатининг устиворлиги нақадар савоб, нақадар олижаноб эканлигига ишонтириш, шу ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашишни мен бугунги партиявий фаолиятимизнинг бош йўналиши, деб биламан.

С. ИСМОИЛОВ,
Ангор туманидаги «Таллимарон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

ЯҚИН КУНЛАРДА ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙМИЗ. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИ ЯНА БИР ҚАРРА САРҲИСОБ ҚИЛАМИЗ. ФАҚАТ АҲИЛ БЎЛСАК, БИР-БИРИМИЗГА ИШОНИБ, БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, ҚАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАРНИ ҚАДАМ-БАҚАДАМ БАРТАРАФ ЭТИБ БОРСАК, ИНШООЛЛОҲ, БАРЧА НИЯТИМИЗГА ЕТАМИЗ.

Ислом ҚАРИМОВ.

• Партия ташаббуси билан

«ЭНГ КИТОБХОН ОИЛА»

Ўзбекистон ХДП Навоий туман кенгаши ташаббуси билан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга турли учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик танловларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Яқинда кенгаш фаоллари туман маданият уйи ҳамда марказий кутубхонаси жамоалари билан ҳамкорликда «Энг китобхон оила» кўрик-танловини ўтказишни йўлга қўйишди.

Оила йили ва Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан ўтказилаётган бу тадбирдан мақсад туб иқтисодий ислоҳотлар даврида саводхонликни ошириш, кишилар дунёқарашини ўстириш, миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни тиклаш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Бинобарин, соғлом авлодни онгли, маданиятли, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашнинг яхши йўлларидан бири саводхонлик ва ўқимишлиликдир. Шу боис ҳам туман партия кенгаши бу хайрли ишга бошқош бўлишни ўз зиммасига олди. ХДП туман кенгашининг биринчи котибаси М. Абезованинг бевосита кўмаги билан яқинда туманнинг Ибн Сино номли, Қ. Раимов номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида «Энг китобхон оила» танловлари бўлиб ўтди.

Беллашувлар шуни кўрсатдики, нечоғли иқтисодий танглик бўлмасин, барибир одамлар китобни, яхши асарларни қўлдан қўйишмас экан. Айниқса, Э. Қўлдошев, Г. Холова, А. Бобоқулов, Ф. Йўлдошев сингари педагог, шифокор ва қурувчилар оилалари «Энг китобхон оила» сифатида тан олиниб, туман ҳоқимлиги, ХДП туман кенгаши фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

ХДП туман кенгашининг маънавиятни юксалтиришга, саводхонликни оширишга қаратилган бу ташаббусини ҳар қанча оммалаштирса арзийди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Сиёсий ташкилот нуфузи

КЎЧМА БЮРОДА — РАҲБАР ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон ХДП Касби туман кенгаши ижроия бюросининг «Қашқадарё» жамоа-ширкат хўжалигида бўлиб ўтган кўчма мажлисида талабчанлик руҳи сезилиб турди. Унда Ўзбекистон ХДП аъзоси, хўжалик бошқаруви раиси Яраш Муҳаммадиевнинг иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Хўжалик ҳудудида еттита қишлоқ бўлиб, аҳолининг жами сони 11266 нафарни ташкил қилади. Меҳнатга лаёқатли 5130 кишининг 2116 нафари, яъни 41,2 фоизи шу хўжаликда меҳнат қиляпти. Деҳқон-фермер хўжаликларига эътибор оширилди. 8 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бор. Шу йилнинг ўзидагина деҳқончилик билан шуғулланувчи 12 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларнинг олаётган даромади ёмон эмас.

Хўжалик раҳбарияти томонидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чоралари кўриляпти. Ўтган йили 63 та ёрдамга муҳтож оилага йил давомида буғдой, ҳар бир оилага 12 килограммдан гўшт бепул берилгани бунга ёрқин далил. Бошқа оилаларга ҳам арзон нархларда буғдой ва дағал хашак сотилган. Бундан ташқари, байрамларда бир қанча кишиларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Газ қувурларининг вақтида арзон нархда тахт қилиб қўйилганлиги қўл келмоқда. Қишлоқлар ободончилиги ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида фуқаролар йиғини раислари билан бамаслаҳат иш қилинмоқда.

Аммо тадбиркорликни жиддийроқ қўллаб-қувватлаш, баъзи бир қишлоқларни ободонлаштириш ишлари суст. Бошланғич партия ташкилотларида партияга қабул қилиш, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузиш, Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишда камчиликлар мавжуд. Туман партия кенгаши аъзоси сифатида Яраш Муҳаммадиев масаланинг бу жиҳатларига ҳам эътиборни кучайтириши лозимлиги кўчма бюро йиғилишида алоҳида таъкидланди.

Мусо ҚАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Харабек тикув-трикотаж фабрикаси мустақиллиққа тенгдош корхона. Икки ой аввал жамоа унинг уч йиллигини нишонлади. Андижон туманининг чекка қишлоғида барпо этилган бу нишоотнинг ишга туширилиши маҳаллий аҳоли учун янги имкониятлар очди. Қишлоққа саноат кириб келди. Деҳқончилик ва дала ишлари билан банд бўлмаган ёшларнинг бир қисми корхона билан ўз тақдирини боғлаб, янги касбларни ўзлаштирди. Бошқача айтганда 400 нафарга яқин қишлоқ кишиси ишли бўлди.

МЕҲНАТ ҚАДРИ

Маҳсулот сифати ва иш унуми учун кураш ёш жамоанинг асосий муддаоси. Шу боисдан ҳам қўли гул чеварлар тайёрлаётган 14 хил маҳсулот пештахталарда туриб қолмаяпти. Харидорини тез топмоқда. Бу, шубҳасиз, фабрикада яхши ишлаганларнинг меҳнати қадрланиб, рағбатлантириб борилаётганидан.

Корхона раҳбари, ХДП аъзоси К. Алимов ҳам фабрика шуҳратини ошириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш учун астойдил ишламоқда. У барча мақсад ва вазифаларни фабрика бошланғич партия ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширяпти. Бошланғич ташкилотга бирлашган 16 нафар ХДП аъзоси аҳиллик, ташаббускорлик билан ишлаб, кўпгина масалаларни ҳал этишда маъмуриятга ёрдам бераётир.

Яқинда жамоада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги олдидан жонли мулоқот бўлиб ўтди. Ишчилар қузурига ташриф буюрган Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Расулжон Мухторов мустақилликнинг тарихий аҳамияти, келажаги буюк давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида гапириб берди. У енгил саноатчиларни тўлқинлантираётган кўпгина масалаларга тўхталди. Вилоят ҳокимлиги билан партия кенгаши ҳамкорликда ташкил этган бундай мулоқот учрашувлари Андижон шаҳридаги қатор ташкилот ва муассасаларда ҳам бўлиб ўтди. Андижонлик таниқли олим ва мутахассислардан иборат 35 кишилик тарғиботчилар гуруҳи вилоятнинг барча туманларида шундай учрашувлар ўтказишмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 1-ҳудудий бошланғич партия ташкилотида 300 нафарга яқин партия аъзоси бор. Улар асосан тумандаги ўқув юртлари, мактаблар ва боғчаларда ишлайдиган ўқитувчи, муаллим ва тарбиячилардан иборат.

Бошланғич партия ташкилоти котиби Отаулла Исахонов — тажрибали мураббий, тиниб-тинчимас, жонкуяр ташкилотчи. Унинг саъй-ҳаракатлари билан, айниқса, маҳаллаларда ёшлар орасидан ХДПга хайрихоҳлар кўпайиб бормоқда.

СУРАТДА: Отаулла Исахонов туман халқ таълими бўлими қошидаги «Ёш техник» марказида ишлайдиган ёш педагогларга партия билетларини топширяпти.

Засим СОКОЛОВ олган сурат.

• Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Хўш, мустақиллик самарқандликларга нима берди?

Очиғини айтганда, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ана шу саволни ўзига берса керак. Негаки, мустақилликнинг масъулияти, муқаддаслиги шу саволга берилган жавобда ўз ифодасини топиши мумкин.

— Халқимизда «Ўзинг учун ўл, етим», деган гап бор. Маъно кўп бу иборада. Чиндан ҳам, ўз эҳтиёжи ва имкониятини билган одам ёмон яшамайди. Мисол учун, вилоятимизни олиб қаранг,— дейди Самарқанд вилояти ҳокими, вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Пўлат Абдураҳмонов.— Биргина ўтган йили Мустақиллик байрами муносабати билан жойларда 300 га яқин иншоот фойдаланишга топширилди. Уларнинг 70 фоизини бюджетдан маблағ олмай қурдик. Бундай хайрли иш жорий йилда янада кенг қулоч ёймоқда. Энг асосийси, одамларни мустақил ишлашга, ўз эҳтиёжларини ўз ҳисоблaридан қондиришга ўргата олдик...

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши бу борада ҳокимликларга доимо кўмакдош. Вилоят партия кенгаши билан ҳамкорликда ойида бир маротаба ягона мулоқот куни ўтказиляпти. Президентимизнинг одилона сиёсати, кўрсатмалари, мустақилликнинг қадру қиммати одамлар шуурига сингдириляпти. Шаҳар ва туманларда ҳам партия кенгашлари мафкура ишларини ўз қўлларига олишган.

Фақат бугина эмас, Самарқандда партия сафларини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Аҳолининг турли қатламлари орасида суҳбатлар, учрашувлар, дилтортар мулоқотлар мунтазам равишда уюштирилмоқда. Яқинда кекса журналистлар А. Нарзиқулов, Б. Имомов, З. Баҳриевлар билан учрашиб қолдим.

— Биласизми, партиянинг ижтимоий турмушдаги фаоллиги, меҳрибонлиги бизга, айниқса, маъқул тушяпти,— деди Зайниддин ака.— Масалан, матбуот кунида қалам аҳлини дастурхон атрофига тўплаб, бир пиёла чой устида суҳбат уюштирилди, айримларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Гап совғада эмас, кўнгилда. Шу боис ХДП сафида бўлишга жазм этдик.

— Мен эса партиянинг қадриятларни тиклаш, унинг қадрига етиш борасида амалга ошираётган тадбирларини чин дилдан қўллаб-қувватлайман, — дейди Самарқанд тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши масъул котиби Абдураззоқ Эгамзода. — Қизиғи шундаки, туман партия кенашининг биринчи котиби Раҳмонқул Ҳамроқулов бундай хайрли ишга бошқа жамоат ташкилотларини ҳам жалб этаётир.

Ҳа, кексалар тажрибаси, ақл-идроки ҳар қандай сиёсий партия учун обрў келтиради. Лекин вилоят партия кенгаши ўз сафини ғайратли, фидойи ёшлар билан тўлдиришни ҳам унутгани йўқ. Яқинда хўжалик ҳисобидаги «Боғишамол» корхонаси ишчи-хизматчилари ёш директор Олимжон Расулов бошчилигида бошланғич ташкилот тузиб, жамоа аъзоларининг барчасини ўз сафига тортдилар. Вилоят бўйича ҳар ойда 30 киши ХДП аъзолигига ўтмоқда. Уларнинг ҳар уч нафаридан бири ёшлар. Вилоятда жами партия аъзоларининг сони 33 минг нафардан ошиб кетди.

— Мустақиллик бахш этган улуғ неъматлардан бири юртдошларимиз қалбида жўш урган жўшқинлик, фидойиликдир,— дейди вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Йўлдош Суюнов.— Назаримда, бу нарса ватанпарварлик, элпарварлик туйғулари билан муштарак. Партия ташкилотлари одамлардаги бундай эзгу туйғуларни янада камол топтиришга интилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда қадриятларни тиклаш борасида турар-жойларда ўтказилаётган тадбирлар кўпчиликка маъқул тушяпти. Дарвоқе, маҳаллаларнинг 70 фоизида ҳудудий партия ташкилотлари ишлаб турибди.

Вилоят партия кенгаши вилоят ижтимоий турмушига чуқурроқ кириш, меҳнат жамоаларида, турар-жойларда соғлом вазиятни барқарор қилишда ҳокимликнинг яқин кўмакдоши бўлаётир. Айниқса, тадбирларни уюштиришда четда туришмаяпти. Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Самарқанд телевидениеси ёрдамида ҳужжатли фильм тайёрланмоқда. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда шу мавзуда публицистик асарлар учун танлов эълон қилинди. Бунга 2 минг сўм маблағ ажратилди. Маҳаллий шароитни ҳисобга олган партия ташкилотлари халқнинг дилига йўл топиш чораларини кўришаётир. Яқинда Булунғурдаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалигининг «Чангал» маҳалласида туман ғаллакорлари билан учрашув ўтказилди. Дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида партиямизнинг нуфузи хусусида суҳбат бўлди. Вилоят партия кенгаши илғор ғаллакорларга қимматбаҳо совғалар, Фахрий ёрлиқлар топширди.

Бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитида изланиб, вилоят партия кенгашининг «Регистон» газетаси ташкил этилиши ҳам одамларда ХДПга бўлган эътиқодни янада кучайтирди. «Регистон» қисқа давр ичида ўз ўқувчиларини топди, партия фаолиятини халққа етказиш йўлларини қидирмоқда.

Вилоят партия ташкилотлари тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш умумхалқ ҳашаридан ҳам четда турмаяптилар. Хусусан, яқинда Гўри Амир мақбараси атрофини ковлаб, уни асл ҳолига қайтариш ҳашарида партия фаоллари қатнашдилар. Ўш куни вилоят партия кенгаши Мирзо Улуғбек юбилейига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш дирекцияси ҳисобига биринчилардан бўлиб 1000 сўм пул ўтказди. Халқ ҳаётига чуқурроқ кириб боришда вилоят кенгашининг ижроия бюроси мажлисларини бевосита туманларда ўтказиш муҳим омил бўляпти. Чунки, бунда муайян қишлоқ ёки шаҳарда партиядаги вазият билан чуқур танишилади. Меҳнаткашлар, партия фаоллари билан суҳбатлашилади. Бюро аъзолари мактабларга, болалар боғчаларига совғалар олиб боришади. Сўнг давра атрофида вазифаларни белгилаб олишади. Ёшлар қўмитаси билан касаба уюшмалари ҳам бундай тадбирларни биргаликда ўтказишга мойиллик билдирмоқда.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Самарқандга ташрифи чоғида «Бу ерга ҳар гал ташриф буюрганимда бир янгиликка кўзим тушади. Қурилишлар кўп. Қурилиш — бунёдкорлик демак. Бунёдкорлик эса одамлар осойишта яшаётган, ҳамжиҳат бўлган жойдагина мавжуддир», деган эди. Дарвоқе, вилоятдаги бугунги ижтимоий-сиёсий вазият — кўтаринкилик, жўшқинлик буни яққол кўрсатиб турибди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХУСУСИЙЛАШТИРИШ—ДАВР ТАЛАБИ

«БУЮК ТУРОН» ОДИМЛАРИ

Бугун мамлакат халқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келяпти. Албатта, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳамма жойда бир хил кечаётгани йўқ. Бир жойда эски маъмурий буйруқбозлик тўсиғига учраса, бошқа жойда янгиликни ёқтирмайдиган инжиқ раҳбарга дуч келмоқда.

Бироқ тадбиркорлик, ишбилармонлик, давр билан ҳамоҳанглик ва янгиликка интилиш бўлган жойларда хусусийлаштириш ўзининг илк натижасини бермоқда. Ишлаб чиқаришда эса ривожланиш ва силжишга, аҳоли эҳтиёжибоп сифатли маҳсулотнинг кўпайишига, қолаверса меҳнат қилганнинг дастурхони тўкин бўлишига олиб келмоқда.

Тошкентдаги Ўзбекистон қурилиш-материаллари концернига қарашли «Буюк Турон» корхонасининг хусусийлаштирилганига ҳам деярли кўп вақт бўлгани йўқ. Қибрай тумани ҳудудида жойлашган бу корхона қисқа муддат ичида ишлаб чиқаришда кескин ўзгаришлар ясади. Мулк хусусий бўлгач, одамларнинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди. Маҳсулот сифати яхшиланди. Харидоргир бўлиб қолди. Ҳозир «Буюк Турон» ёрлиғи билан маҳсулот — пишиқ ғиштлар ишлаб чиқариш кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

— Жамоамиз қисқа бўлсада, ўз тарихига эга. Аввалари ушбу тармоқ 2-«Ялангоч» ғишт ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли эди, кейинчалик эса «Керамика» маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. Ва ниҳоят, 1993 йилнинг октябрь ойидан бошлаб эса «Буюк Турон» хусусий корхонаси вужудга келтирилди,— дейди корхона раҳбари Сатторжон Тўроновнинг.— Кейинги йилларда мамлакатимизда қабул этилаётган қонунлар корхоналарга талай имтиёзлар бермоқда. Демак, биз ўз эҳтиёжларимизни ҳисобга олган ҳолда ишлаш, эркин рақобат қилиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг кенг имкониятларига эга бўляпмиз. Эндиликда сифатли ҳамда халқ талабэҳтиёжига яраша харидоргир маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Корхонанинг ойлик, йиллик ҳисоботларини кўздан кечирар эканмиз, ғиж-ғиж рақамларга дуч келамиз. Рақамлар хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, барибир қилинган ёки қилинмаган ишларни аниқ белгиловчи факт. Иқтисод ҳисобни яхши кўради. Шу маънода қуйидаги рақамлар эътиборимизни тортди: ўтган йили корхонада 28 миллион дона ўрнига 29 миллион 600 минг дона ғишт ишлаб чиқарилиб, режа ортиғи билан уддаланган. Ишлаб чиқариш суръати 107 фоизни ташкил этган. Худди шунингдек, 1994 йилнинг биринчи ярмида 16 миллион 100 минг дона ўрнига 17 миллион 76 минг дона маҳсулот тайёрланган. Йил мобайнидаги режа эса 30 миллион дона.

— Хом ашё таъминотидаги баъзи қийинчиликларга қарамай жамоа барқарор фаолият кўрсатмоқда,— дейди сўзи давомида С. Тўронов.— Биз ҳозир кунига 50—60 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариб, қурилиш ташкилотлари ва фуқаролар эҳтиёжини қондирмоқдамиз. Меҳнат унуми шу кунларда ҳам сусайгани йўқ. Бугунга келиб жамоамизда 240 киши ишлаяпти. Бундан ташқари, миллий армиядан 60 киши ишлаб чиқаришга жалб қилинган. Ишчи-хизматчиларимиз ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган. Дам олиш масканлари, ошхоналар, соғломлаштириш марказлари улар ихтиёрида.

Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асал уларга арзон нархларда етказиб берилаётир. Мана шулар билан бир қаторда 34 та оилага туман ҳудудидан уй-жой қуришлари учун ер ажратдик, қурилиш ишларида кўмаклашяпмиз. Эндиликда ишчиларимиз баракали меҳнатдан кейин бўш вақтларида деҳқончилик қилиб, ўзларининг рўзғорига яраша ҳосил етиштирмоқдалар. Келажакда тармоқни 90 фоиз автоматлаштириш, ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш чораларини қидиряпмиз. Бизга бу борада туман ҳокимлиги, вазирлигимиз яқиндан ёрдам бермоқда. Хом ашё масаласида эса муаммомиз йўқ. Бу дегани маҳсулот турлари кўпаяди, халқ хўжалигидаги талаб қондирилади, демакдир.

— Корхона аҳоли истеъмолидан ташқари, давлат буюртмаси учун ҳам маҳсулот турларини етказиб берадими?

— Корхонамиз аҳоли эҳтиёжидан ташқари давлат буюртмаси учун 75 фоиз миқдорида маҳсулот турларини шартнома асосида етказиб беради. Мисол учун ўтган йили қоғоз фабрикаси, Юнусободдаги теннис корти, халқаро алоқалар аэропорти қурилишлари учун маҳсулот етказиб берган бўлсак, бугунги кунда Тошкент қурилиш корпорацияси ҳамда саноат-қурилиш концерни томонидан буюртмалар қабул қилганмиз.

Дарвоқе, хусусий корхона довруғини эшитган кўплаб қурилиш ташкилотлари «Буюк Турон» билан ҳамкорлик қилишни маъқул топишяпти. Бу ерда харидорнинг талаби қисқа муддатда қондирилмоқда. Шу боис ҳам буюртмачиларнинг кети узилмайди. Гоҳ шаҳар ташкилотларидан, гоҳ шаҳар атрофидаги туман хўжаликларидан, гоҳ якка тартибда уй қурётган фуқаролардан. Ҳаммасига ҳам ғишт керак. Энди ишлаб чиқаришни кенгайтиришга тўғри келяпти. Яқин вақт ичида яна қўшимча ускуналар сотиб олиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Хуллас, корхонанинг истиқболи порлоқ. Нима бўлгандаям, хусусийлаштиришнинг меваси — бу. Эрта-индин «Буюк Турон» сингари корхоналар кўпайса, сиз билан бизнинг, яъни истеъмолчининг иши ўнгидан келди деяверинг. Ўзингиз биласиз, ўзбек оиласи азалдан оилапарвар. Оилада ўғил туғилса, фарзандлар кўпайса, уй қуриш ташвишига тушиб қолади. Шундай экан, сиз хоҳлаган пайтда харид қилишингиз учун қурилиш маҳсулоти — пишиқ ғиштнинг ёнингиздаги хўжалик дўкони ёки корхонада мўл-кўл бўлгани яхши-да!

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: 1. Корхона раҳбари С. Тўронов. 2. Ғишт ишлаб чиқариш цехида.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.



• *Атама ва тушунчалар*

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ — бозор иқтисодиёти учун ҳар хил хизмат кўрсатувчи соҳалар; унга банклар, жумладан, тижорат банклари, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналари, солиқ ундирувчи инспекцияси, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, воситачи фирмалар, савдо-сотиқ уюшмалари, концернлар, консорциумлар ва бошқалар киради.

БОЗОР МУВОЗАНАТИ— бозордаги талаб ва таклифнинг миқдор ва таркиб жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши. Бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий йўллари: товар ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказиш орқали бозорни тўлдириш; етарли товарлар заҳирасини барпо этиш, талабгир товарлар нархини ошириш, ўтмай турган товарлар нархини пасайтириш, экспорт ва импортнинг ортиши ёки камайиши; аҳоли даромадларининг товарлар ва хизматлар кўпайишига қараб ортиб бориши; меҳнат унумдорлигининг иш ҳақига нисбатан тезроқ ўсиши. Бозор мувозанати маърифатли жамиятда бозорни тартибга солиш орқали таъминланади.

БОЗОР МУҲОФАЗАСИ— миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиниши. Бозор муҳофазаси четдан товар келтиришни чеклаш, таъқиқлаш ёки бож тўловини ошириш орқали амалга оширилади. Муайян давлатнинг бозор муҳофазасини бартараф этиш учун бошқа давлатлар ўз ҳудудида шу мамлакатдан чиқарилган товарларга бож тўловини ошириб, ўз рақибини ён босишга мажбур қилади. Шу сабабли бож тўловлари ўзгариб туради. Бозор муҳофазасини четлаб ўтишнинг муҳим йўли илгари товар чиқарилган мамлакатга капитал чиқариб, муайян товарни ўша ернинг ўзида яратиш ва сотиш ҳисобланади. Масалан, Япония автомобиль фирмалари ўз товарини АҚШга киритиш йўлидаги юқори бож тўловларига чап бериш учун АҚШда ўз заводларини қуриб, чиқарилган автомобилни шу ернинг ўзида сотади.

БОЗОР РЕГУЛЯТОРИ — ишлаб чиқаришни бозор орқали тартибга солишнинг иқтисодий воситаси бўлган нарх-наво. Муайян товарнинг бозор нархи ошса, уни ишлаб чиқариш юқори фойда келтиради. Бинобарин, ишлаб чиқариш омиллари фойда кам соҳадан серфойда соҳага кўчади. Бозор регулятори қайси товарни ва уни қанча сарф билан яратиш зарурлигини ишлаб чиқаришга етказади, товарлар дунёсини янгиланиб туришга ундайди. Бозордаги талаб ва таклиф нисбати нарх орқали ишлаб чиқаришга таъсир этади. Бозор регуляторига амал қилиш учун монополия бўлмаслиги аксинча, эркин бозор рақобатига йўл берилиши зарур. Ишлаб чиқариш режа воситасида ҳам тартибга солинади. Нимани, қаерда, қанча ишлаб чиқариш, унга қанча меҳнат сарфлаш зарурлигини режа орқали олдиндан белгилаш мумкин. Лекин бунинг учун талабни ҳисобга олиш шарт.

БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ — маълум белги-аломатларига қараб бозорнинг ҳар хил қисмларга ажратилиши. Бозорда қандай валютанинг юриши, ниманинг яхши сотилиши, харидорларнинг одатанъаналари ва феъл-атворлари, уларнинг харид қобилиятига мувофиқ товар етказиб турилади. Бозор сегментацияси орқали товарларни кам сарф-ҳаражатлар билан яхши нархда сотиш имкони яратилади.

БОЗОР СТРУКТУРАСИ — бозор мувозанати ҳолати; асосий кўринишлари: монополия, олигополия (гуруҳ ҳукмронлиги), монополистик рақобат, соғлом рақобат, монополия ва бошқалар.

БОЗОР ФОНДЛАРИ — режали иқтисодиётда ички бозорда аҳолига шахсий истеъмол учун таклиф этиладиган товарлар мажмуи.

БОЗОРНИ БОШҚАРИШ — бозор муносабатларининг муайян мақсад ва маълум йўналишда ривожланиб боришига қаратилган махсус фаолият. Уни давлат, корхоналар, бирлашмалар ёки корпорациялар амалга оширади. Бозор муносабатлари иштирокчилари бозорни бошқариш объекти бўлса, бошқарув идоралари унинг субъекти бўлади.

ЎЛМАС САРМОЯ

СОҲИБИ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

1994 йил 26 августда ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилмоқда:

Фарғона шаҳрида:

«ЛАКОМКА» КАФЕСИ

Охунбобоев даҳасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 7000 сўм.

Марғилон шаҳрида:

Панелли уйнинг 4-қаватидаги 2-ХОНАЛИ ХОНАДОН, Тинчлик кўчасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 5000 сўм.

Қўқон шаҳрида:

ҲАММОМ

Жданов кўчасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 14 минг сўм.

ҲАММОМ

Навоий кўчасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 38000 сўм.

Охунбобоев туманида:

«СУЛИМ» КАФЕСИ

Сўрхтепа қишлоғида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 50000 сўм.

Фурқат туманида:

ЧОЙХОНА

Шоимбек қишлоғида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 7900 сўм.

Сух туманида:

ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯСИ БИНОСИ

Умбора қишлоғида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 82000 сўм.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

8 (37322) 4-93-66, 4-30-11.

Шаҳримизнинг Юнусобод мавзеи марказига яқин жойда бундан тўрт-беш йил олдин 163-дорихона қад кўтарган эди. Унинг мудири Валихўжа Аҳроров ишни аввал ободончиликдан бошлади. Ҳашар йўли билан дорихона атрофи текисланиб, сув чиқарилди. Ўтган йили эллик туп олча, гилос, шафтоли кўчатлари ҳамда юз туп терак ўтказилди. Доривор ўсимликлардан эса наъматак ҳамда арпабодиён экилганди. Ҳозир кўчатлар, доривор ўсимликлар кўкариб, дорихона атрофи гўзал тусга кирган.

ДОРИХОНА ЁНИДАГИ БОҒ

— Отам боғбон бўлганлар, — дейди биз билан суҳбатда мудир,— боғимизда турли мевали дарахтлар бўларди. Ўйлаб қарасам худо яратган шу ноз-неъматлар инсон учун ризқ, доридир. Шунинг учун дорихонага ташриф буюрган беморларга дорихона атрофидаги мевалардан тановвул қилдириш мақсадим бор.

Дарҳақиқат, республикамиз тоғ ён бағирлари, далаларда кўплаб доривор ўсимликлар бисёр. Зеро кўплаб поликлиникалар, шифохоналарнинг бўш майдонларига доривор ўсимликлар экилса ёмон бўлмасди.

Абдупаттоҳҳожи НАБИХЎЖА ўғли.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ

Ишбилармон кишиларни 19 августда ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «САВДО МАРКАЗИ»

Икки қаватли пишиқ ғишт ва темир бетондан қурилган замонавий бино.

Бошланғич баҳоси — 1000 минг сўм.

НАВОИЙ ШАҲАР МИР КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН АВТОБУС БЕКАТИ

Навоий шаҳар деҳқон бозорининг қаршисидаги айланма йўл ёқасида жойлашган, майдони бетон қоришма билан қопланган.

Бошланғич баҳоси — 2 минг сўм.

НАВОИЙ ШАҲАР ГОРЬКИЙ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН АВТОБУС БЕКАТИ

Навоий шаҳар деҳқон бозорининг қаршисидаги айланма йўл ёқасида жойлашган, майдони бетон қоришма билан қопланган.

Бошланғич баҳоси — 3 минг сўм.

«САНОАТ МОЛЛАРИ» МАГАЗИНИ

Навоий шаҳар Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган, 1973 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 27 минг сўм.

«ОЗИҚ-ОВҚАТ» МОЛЛАРИ МАГАЗИНИ

Навоий шаҳар Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган. 1973 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 27 минг сўм.

«ОШХОНА» БИНОСИ

Навоий шаҳар, Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган, 1973 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 21 минг сўм.

«КАРМАНА» МЕҲМОНХОНАСИ

Кармана шаҳар марказида пишиқ ғиштдан қурилган, 2 қаватли.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

«ТИНЧЛИК» ОШХОНАСИ

«Тинчлик» қўрғонида жойлашган. 1979 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

«ҚОНИМЕХ» МЕҲМОНХОНАСИ

Қонимех туман марказида жойлашган. 1985 йилда қурилган, 40 ўринли.

Бошланғич баҳоси — 35 минг сўм.

«ОҚТЕПА» ОШХОНАСИ

Навоий — Нурота йўлининг 20-километрида, тоғ бағрида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 25 минг сўм.

3-СОНЛИ ҲАММОМ

Нурота туман марказида жойлашган, 1992 йилда шарқона усулда қурилган, 3 та гумбазли, 1 қаватли.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ! КЎЧМАС МУЛК — ДОИМО ҚАДРЛИДИР!

Маълумотлар олиш учун Навоий шаҳридаги телефонлар: 3-39-90, 3-44-81, 3-07-29, 3-74-60.

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 18 гача (шанба куни соат 9 дан 13 гача) шаҳар ҳокимлиги биносида қабул қилинади.

ASTANA HOLDING АСТАНА МОТОРС KAZAKH MOTOR COMPANY

АСТАНА – МОТОРС

ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИНГИЗ КАТТА

TOYOTA NISSAN HONDA VOLVO

ВАЗ ВОЛГА KAWASAKI ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

ГАЗ, КАМАЗ ИШЛАБ ЧИКАРИШ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ АВТОМАШИНАЛАРИ УЧУН

ЭНГ ЯХШИ МОТОР ВА ТРАНСМИССИЯ МОЙЛАРИ

МАХСУС МАҲСУЛОТЛАР АВТОКОСМЕТИКА

Castrol

МАШҲУР АВТОПОКРИШКАЛАР

GOODYEAR

185/65 R15 235/60 R15
195/65 R15 235/75 R15
195/60 R14 225/65 R16
205/60 R14 185/R14C
225/60 R15 205/60 R16

Хақ тўлаш–тенгеда, Қозоғистон Республикаси Валюта Биржасининг курси бўйича.
Ҳисоб–маълумотнома бепул. TOYOTA автомобиллари учун кафолат – 18 ой ёки 50.000 км.

Марказий автосалон: Алмати шаҳри, Сатпаев кўчаси, 11. Тел. (3272) 65.05.29. Факс (3272) 65.15.29. TOYOTA Автосалони: Алмати шаҳри, Қозоғистон давлат цирки. (3272) 47.04.41

IPA House

МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ !
ТЕЛ. (3272) 65.05.29, ФАКС (3272) 65.15.29

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 15. VIII

ЎзТВ I

17.55 **Истиқлол жамоли.**
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Бонг: муаммо, мушоҳада". Спорт кўрсатуви.
18.55 "Фасли ёз". Телефильм.
19.05 "Санъат олами". Ҳайкалтарош Умрзоқ Шаропов.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мақом ижрочиларининг Республика танлови голиби Машраб Эрматов ижросида ўзбек классик ашулалари.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.35 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Копетдор" (Ашғабад). Ёзиб олинган.
00.05 — 00.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Муниса".
20.10 "Асрга тенг умр".
20.35 "Унутилган ўйинлар". Телефильм.
20.50 "Қайфият".
21.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
22.00—23.30 **Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига.** "Жаноби буюк Новгород". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 "Ҳеч ким унутилмайди".
20.00 Душанба куни детектив. "Жаноб Довенхеймнинг ғойиб бўлиши". "Эркюль Пуаро" сериалидан бадиий фильм.
21.00 "Асил ҳолича".
21.55 "Репортёр".
22.10 Криминал хабарлар экрани.
22.20 — 22.25 Спорт кўрсатуви.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Илк манбадан".
20.45 Спорт шарҳи.
21.15—23.10 Ж. Депардье "Итлар" бадиий фильмида (Франция).

Чоршанба, 17 . VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 Болалар учун фильм. "Таня ва икки мушкетер".
9.45 "Фарзанд — умид юлдузи".
10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 2-қисм.
11.30 — 13.30 **"Иқтисод" студияси кўрсатади. "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак".** Телеканал.
***
17.55 **Истиқлол жамоли.**
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Инсон ва табиат".
18.55 "Ислоҳот ва масъулият".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **"Наргис — Сунил — Санжай".** Кинокўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм премьераси 3-қисм.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Спринт".
20.15 "Иқтисодий мустақиллик йўлидан".
20.55 Камер оркестри ижро этади.
21.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ВАТАН ТУЙҒУСИ". Телеочерк.
21.55—22.40 Қардошлик оиласида.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 "Қўшиқлар ҳудуди".
20.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.30 **Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига.** "Нонни тенг бўламиз". Бадиий фильм.
*
22.35 — 00.05 "Берлин осмони узра". Бадиий фильм. 2-серия.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Кинопанорама".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.40 "Севгига бағишланади". Телевизион бадиий фильм.
22.00 Янгиликлар.
22.40—22.55 Катталар учун мультфильм.

Пайшанба, 18. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 Болалар учун фильм. "Уч бақалоқ".
10.00 "Ёшлик табассуми".
10.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 3-қисм.
12.05 — 13.35 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Ситора" (Душанбе). Ёзиб олинган.
***
17.55 **Истиқлол жамоли.**
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек давлатчилиги тарихи". 2-кўрсатув.
18.55 "Истиқлол ва қонунчилик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мумтоз қуйлардан концерт.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ТУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЁР!". Экранда — Қашқадарё вилояти.
22.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм премьераси. 4-қисм.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон"ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Эстрада қаҳвахонасида".
20.25 "Бир шингил ҳангома".
20.35 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
20.55 Видео янгиликлари.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.05—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.50 "Оддий кун".
21.35 — 22.25 "Соло".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30—8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Қобул саройи сирлари".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.50 "Қўшиғимни тингла". Бадиий фильм (Буюк Британия).
22.40—23.10 "Максима".

Жума, 19. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 "Тренер". Бадиий фильм.
9.55 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
10.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 4-қисм.
11.25 Қувноқлар даврасида".
11.55 — 12.45 "Фахрийлар — фахримиз".
***
17.55 **Истиқлол жамоли.**
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Ёшлик" студияси. "Садо".
18.45 "Санъат , маскани". Телефильм.
18.55 Солиқ инспекцияси фаолиятидан.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **"Умр зийнати".** Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **Бевосита мулоқот.**
22.35 Бир қўшиқ тарихи. "Салламно".
23.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм премьераси. 5-қисм.
00.10 — 00.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Суперспорт".
20.35 "Келинг, танишайлик".
20.50 Тижорат канали: "Дзинтарс" Ўзбекистонда.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Ўзбекистон спорти".
21.55 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
22.35 — 23.35 "Тошкент оқшомлари".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.45 "Клип-антракт". А.Новиков.
20.50 "Бевосита олиб кўрсатилади". Бадиий фильм.
22.20 Спорт кўрсатуви.
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 — 23.30 "Қадрдон дўстлар". Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30—8.00 "Тонг".
***
18.00 "Уч кун ва уч йил". Ҳужжатли-публицистик фильм.
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 Ж. -П. Бельмондо К. Шабролнинг "Икки ёқлама бурилиш" детективида (Франция, 1959 й.).
22.10 "Сиёсий бюро".
22.45 — 23.00 "Авто-шоу".

Шанба, 20. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 Болалар учун фильм. "Учувчининг парвози".
10.00 "Фарзандингиз мактабга тайёрми?".
10.30 "Ишбилармон".
10.55 Киноактёр Карим Мирҳодиев.
11.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Гўзал ўлкам менинг". Мусиқий дастур.
12.00 "Маърифат маскани".
12.40 "Обидалар — руҳият рамзи".
13.15 "Шоҳрух" клуби.
13.45 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
14.15 — 15.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм 5-қисм.
***
17.55 **Истиқлол жамоли.**
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Кичкинтой"та хат келди.
18.35 "Тошкент жилолари". Телефильм.
18.45 "Болалик уйда сир ётмас". Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Абдулла Қодирий мукофотига номзодлар. Тоғай Мурод. "Отамдан қолган далалар".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 Санъат усталари концерти.
22.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм премьераси. 6-қисм.
23.00 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" тақвими.
12.50 "Эстрада қаҳвахонасида".
13.15 "Бир шингил ҳангома".
13.25 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
13.45 Видео янгиликлари.
14.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
14.55 "Кинонигоҳ".
***
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 Эсдалик учун дастхат.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Кичик дебют".
21.50 "Ҳар соҳадан бир шингил".
22.10 "Антенна".
22.30 — 23.45 Кинематограф. Чарли Чаплин фильмлари.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
11.45 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
11.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.10 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлида".
12.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
13.20 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
13.35 "Дидар" (козоқ тилида).
14.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Безнен мирас" (татар тилида).
14.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.10 "Ўзбек театри Европа саҳнасида". 1-кўрсатув.
15.40 "Бу ажиб дунё".
***
18.00 - 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 "Ғалаба куни" кинофестивали. "Икки жангчи". Бадиий фильм.
21.05 "Кўл бўйида. Уч йилдан сўнг".
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 — 23.35 "Қадрдон дўстлар". Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 "Ўшангача ва ундан сўнг".
18.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Айвенго". Уч серияли бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Комиссар". Телесериал. 9-серия.
21.45 "Кулги панорамаси". Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
22.30—23.20 "Астролябия". Тунги канал.

Якшанба, 21. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 "Маҳобҳорат". Кўп серияли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 80 — 81-серия.
10.05 **"Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".**
10.35 "Халқ севган достонлар". Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов ижросида "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достони 2-қисм.
11.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Истиқлолим — истиқболим".
13.20 "Ёшлар ва замон".
13.50 — 15.45 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 6 — 7-қисмлар.
***
17.55 **Истиқлол жамоли.**
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
19.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Алпомиш авлодлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 **"Қўшиқ сеҳри".** Охунжон Ҳакимов.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 **Истиқлол жамоли.**
21.35 Эълонлар.
21.40 "Ойнаи жаҳонда...".
22.00 "ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН".
22.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм премьераси. 7-қисм.
23.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Политотдел" — "Пахтакор". 2-тайм (ёзиб олинган).
00.15 — 00.45 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 Эълонлар.
17.40 Видео — "О".
19.20 Эълонлар.
19.30 "Эм-Ти-Ви"оҳанглари.
20.00 "Курьер".
20.20 Эълонлар.
20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.00 "Даракчи".
21.10 Эълонлар.
21.15 — 24.00 Видео — "О".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
12.10 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
12.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА "Ариран" (корейс тилида).
13.05 "Сиёсий портретга чизгилар". Ким Ир Сен.
13.25 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
13.40 "Сахна".
14.05 "Дўстлик чегара билмайди". Оқ булоқ лавҳалари.
14.35 "Ташрифлар ва таклифлар".
14.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.05 "Мусиқий саёҳат". "Дурдаршен" телекомпаниясининг кўрсатуви.
15.40 "Бу ажиб дунё".
***
18.00 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Киномарафон. "Венгриялик бой". Бадиий фильм.
21.55 "Ксюша ҳузурида".
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 — 23.30 "Уч кун ва икки йил". Телевизион бадиий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.50 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
18.50 "Бомонд".
19.05 "КВН-94". Чемпионлар кубоги: ОДУ — НДУ.
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.55 "Бир боқишда муҳаббат".
22.35 — 23.20 "Эндиликда". Диний кўрсатув.

● *Отахонлар даврасида*

Маҳаллага мелиса келди

Йўқ, улар бирор ўғри ё каззобни қидириб эмас, балки кўпни кўрган оқсоқоллар, қолаверса ёшлар билан дардлашгани келишди. Энди кўп қаватли «дом»ларнинг йўриғи бошқа. Лекин ҳар бир гўшанинг, маҳалланинг ўз қонун-қоидаси бор. Бу, айниқса, яхши-ёмон кунда билинади. Иссиқ жонмиз. Тўйимиз бор, шунга яраша ғамимиз ҳам етарли. Гоҳо ширин-аччиқ гап-сўзлар эшитиб қоламиз. Гоҳо...

Бу учрашув ғалати ўтди. Чунки Тошкентнинг Юнусободдай катта бир туманида мелисалар қанча жон юйитиб ишламасин, бари бир бирон кўнгилкиралик чиқиб турарди-да. Ўша куни тумандаги элликка яқин маҳалладан вакиллар йиғилиб, ички ишлар ходимлари билан юзма-юз гаплашиб олишди.

Икки тарафнинг сўзи бир жойдан чиқди. Маҳалла кичкина жой эмас. Эл-улуснинг, тўй-ҳашамию, ғам-ташвиши доимо биргаликда, аҳиллик билан ҳал этиладиган қўрғон. Бугун аравани турли томонга қараб тортадиган палла ҳам эмас. Аксинча, янада қаттиқроқ бирлашадиган ва бир-биримизга кўпроқ меҳр-мурувват кўрсатадиган кунлар келди.

— Кеча Янгиариқ маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси, 83 ёшли Кабир ота Комиловнинг учрашувда айтган дардли сўзларини эшитиб ўйлаб қолдим,— дейди туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи Муҳитдин Ўтбосаров.— Дунё кўрган оқсоқоллар бизнинг номимизга кўп мулоҳазалар айтишди. Керак бўлса танқид ҳам қилишди. Таклифларини билдирдилар. Кейин ўзимча мулоҳаза қилдим: биз қанча кўп элнинг орасига кириб борсак, икки ўртадаги кўприк шунча мустаҳкамланиб бораверар экан. Кексалар ўзлари яшаётган маҳалла аҳли билан уларнинг тўйазасида доим бирга бўладиган бизнинг фидойи участка нозирларимизнинг номларини қувониб айтишди. Ютуқлар ўзимизники. Ҳали муаммолар кўп. Баъзан бизнинг ҳам қўлимиз калталик қилади. Ана шундай пайтда қонун ҳимояси йўлида, қолаверса, юрт осойишталигини сақлашда маҳалла оқсоқолларига мурожаат қилаяпмиз. Улар сира оғринмай ёрдам беришяпти. Бу ёғи давлатимизнинг катта тўйи олдида турибмиз. Масъулият енгил эмас. Шунингдек, бу байрам йилда бир марта келадиган кун. Яхши кутиб олиш, кўнгилдагидек нишонлаш ўзимизга боғлиқ.

Шундай гаплар. Энди «маҳаллага мелиса келди» дейишса ажабланманг. Улар яхши ният ила остона ҳатлашяпти. Ишонмасангиз, Юнусободдаги маҳалла аҳлидан сўранг.

Н. ҚОБИЛ.

● ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

ЗИРК

Зиркнинг 12 тури маълум. Шундан табобатда асосан оддий зирк ёки қора зирк қўлланилади.

Қора зирк қадимдан халқ табоботида қўлланиб келинади. Чунончи, Ибн Сино: «Қора зирк меваси кучлироқ бўлади. Учинчи даража охирида совуқ қуруқ. Сафрони енгиб, қаттиқ ҳайдайди. Уни тўйиб боғланса, нисқ шишаларда фойда қилади. Меъда ва жигарни кучли қилади, чанқовни яхши қондиради... Ичакнинг тирналишида фойда беради»,— деб ёзади.

Қора зирк меваси таркибида 5 фоиз қанд, 7 фоиз кислота (олма, лимон), дармондори ва бошқа моддалар бор. Баргида Е дармондори, эфир мойи, илдизида берберин алкалоиди учрайди. Берберин таблетка ҳолида ишлаб чиқарилиб, жигар ва ўт пуфаги шамоллаганида малҳам бўлади. Шунингдек, сурункали гепатит, гепатохолецистит, холецистит, ўттош касаллигида тавсия этилади. Баргидан тайёрланган қайнатма ва дамлама қонни тўхтади. Аниқланишича, қора зиркдан тайёрланган спиртли тиндирма юрак фаолиятини яхшилаб, қон босимини туширарекан. Илдизи ва пўслоғида ҳароратни туширувчи, тинчлантирувчи ва микробларга қарши кураш хосиятлари бор. Милк шамолланиши, тери хасталиклари касалликларида ҳам (экзема)да қўлланилади.

Меваси иштаҳани очиб, чанқовни босади, пешоб ҳайдайди. Ширасидан сурги сифатида фойдаланса бўлади. Зирк шароби бош оғриганда, қабзиятда, иштаҳа йўқолганида эм бўлади. Қора зирк мевасида қонни тозаловчи хосият ҳам бор. Мевасидан яна пазандаликда, тўй ошларида ишлатилади.

Муҳаммад Ҳусайн Шерозийнинг ёзишича, қора зирк жигарни мустаҳкамлаб, меъдада, бавосил ва заҳарланишга қарши восита сифатида ишлатилади.

Қора зирк билан асал аралашмаси сувчечакда, жигар тиқилмаларини очишда қўлланилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

● ҚИЗИҚ ҒАПЛАР

ПРЕЗИДЕНТГА АТАЛГАН ШИРИНЛИК

АҚШ президенти Билл Клинтоннинг 48 ёшга тўлиши муносабати билан пазандалар ажойиб ширинлик ҳозирлашмоқда. Қарийб 700 минг калория қувватга эга бўлган улкан торт 19 август куни Бостондаги «Ла файетхаус» ресторанида ёзиладиган дастурхонга тортилади. «Коэн энд Браун» фирмаси ҳомийлигида тайёрланаётган бу тортнинг энг нозиктаъб ширинликхўрларга ҳам манзур бўлиши кутилмоқда. Икки қатламли, асосан шоколддан ҳозирланадиган бу ширинлик 1,2Х0,6 метр ҳажмга эга бўлади. Музлатилган кремлар билан безатилувчи нақшинкор торт устида айрим жиҳатлари билан президентни эслатувчи сиймо гавдаланиб, унинг қўлида Клинтон севган чолғу — саксофон бўлиши мўлжалланган.

● *Спорт*

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ОЛДИДАН

● Яна бир ярим ойдан кейин Хиросима шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларига қизғин ҳозирлик кўраётган мамлакат миллий терма жамоаси машқларга зўр бериб, ўртоқлик учрашувларида куч синашмоқда.

Терма жамоанинг «Трактор» билан учрашувида дарвозаларга иккитадан тўп киритилди. Тўпларни Турахўжаев, Ҳасанов (иккита), Тюлькинлар дарвозага йўллашди. Айни кунларда «Нефтчи» футболчилари Осиё чемпионлари кубоги учун мусобақада иштирок этаётгани важидан миллий терма жамоа бошлиғи Рустам Акрамов ўз шогирдларини қуйидаги таркибда майдонга туширди: Оллониёзов, Давлатов, Рўзимов, Турсунов, Ҳасанов, Моргулис, Эшмирзаев, Ҳабибуллин, Маъ-рифалиев (Тиллаев), Винников, Абдуллаев (Мақсудов).

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 19.45. 123456.